



Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Высшее благо медицины – здоровье

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2007 йил 25 декабрь – 2008 йил 7 январь № 52 (568) Сешанба кунлари чиқади

2008 ЙИЛ – ЁШЛАР ЙИЛИ

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Аҳолини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар ҳудудида ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситалари, вакцина ва бошқа иммунобиологик дорилар, тиббий буюмлар ва тиббий техника билан таъминлаш тўғрисидаги Битими (Ашгабат, 1993 йил 24 декабрь) денонсация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 21 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланган

1-модда. Аҳолини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар ҳудудида ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситалари, вакцина ва бошқа иммунобиологик дорилар, тиббий буюмлар ва тиббий техника билан таъминлаш тўғрисидаги Битим (Ашгабат, 1993 йил 24 декабрь) денонсация қилинсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.


Тошкент шаҳри,
2007 йил 18 декабрь
№ УРҚ – 131

Сиёсий тадбир

ЭРКИНЛИК, ҲАҚҚОНИЙЛИК ВА ОШКОРАЛИК РУҲИДА

Мамлакатимиз ҳаётидаги мазкур муҳим воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жуда кўтаринки руҳда, уюшқоқлик билан ўтказилди. Бундай қувонарли ҳолатга республикаимизнинг барча сайлов участкаларида гувоҳ бўлиш мумкин эди. Сайлов жараёни Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги ва “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонулар билан мустаҳкамланиб, қўйилган халқаро демократик нормалар ва принципларга, очкиқлик ва ошқоралик тамойилларига асосланган ҳолда олиб борилди.



барча тиббиёт муассасаларида ўз саломатлигини тиклаётган Ўзбекистон фуқаролари ҳамда таълим даргоҳларида таҳсил олаётган талабалар муассаса таркибида ташкил этилган сайлов участкаларида рўйхатга олиниб, сайлов кунда уюшқоқлик билан иштирок этдилар. Худди шу кун Марказий Сайлов комиссиясининг матбуот марказида сайловнинг олиб борилиш жараёنлари бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда ҳам сайлов жараёнларидаги умумий аҳвол бўйича керакли маълумотлар эълон қилинди.

Президент сайлови ҳар бир мамлакат ҳаётидаги жуда катта сиёсий воқеа ҳисобланади. Юрдошларимиз Ватанимиз мустақиллиги, тарақиёти ва унинг ёруғ истиқболи учун бефарқ эмаслигини сайлов жараёнида яна бир қарра намойиш этдилар, десак хато бўлмайд.

Намоз ТОЛИПОВ.



СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги 97-сайлов участкасидан лавҳалар.

Тадбирда Ўзбекистон фуқаролари, халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар ва сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳлардан иборат кузатувчилар қатнашдилар. Эркин ва яширин тарзда ташкил этилган сайлов жараёнида ҳар бир фуқаро эл-юрт фаровонлиги ва келажаги учун масъул бўлган муносиб номзодларига овоз бердилар. Ушбу сиёсий тадбирнинг дунё ҳамжамиятида эътироф этилиши ва хорижий давлатлардан келган кузатувчилар – сайлов кўпартиявийлик, муқобиллик асосида ўтказилганлиги, ҳар бир фуқаронинг тўғридан-тўғри овоз бериш имкониятидан фойдаланганлиги ва тадбирга нисбатан фаоллигини ижобий баҳоладилар. Ундан ташқари, сайлов участкаларидаги шарт-шароитлар фуқароларнинг имконият ва талабларига асосан ташкил этилганлигини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, республиканинг

Хурматли тиббиёт ходимлари!

Сизларни Янги 2008 йил билан қизгин ва самимий муборакбод этамиз

Зеро, ҳар бир йилнинг ўзига хос тарзда яқунланиб, ислохотлар туфайли соҳада салмоқли натижаларга эришяётганлигимизнинг гувоҳи бўламиз. Дарвоқе, ҳар бир соҳа мутахассислари йил давомида амалга оширган ишларининг жамиятимиз ва халқимиз учун нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини йил якунида сарҳисоб қиладилар. Жорий йилда соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш борасидаги ижобий натижалар ўз маҳсулини берди, десак янглишмаган бўламиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги «Ёлғиз қариялар, нафақахўрлар ва ногиронларни ҳимоя қилиш, уларга 2007-2010 йилларда кучли ижтимоий ёрдам кўрсатиш Давлат дастури ҳақида»ги ПФ-459-сонли ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури ҳақида»ги Фармонлари ижросини таъминлаш бўйича вазирликнинг буйруқлари, шунингдек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда қўшма буйруқлар ишлаб чиқилди ва бунинг натижасида ёлғиз қариялар, нафақахўрлар ҳамда ногиронларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди. Шу билан бирга ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган беморларга имтиёзли рецептлар асосида бепул дори-дармон воситалари тарқатилди. Бунинг баробарида эса ижтимоий касаликлар билан оғирланганларга ҳам имтиёзли тарзда сифатли тиббий хизмат кўрсатилди. Бундан ташқари, жорий йилда халқимиз соғлигини муҳофаза қилиш йўлида тизимдаги даволаш-профилактика муассасаларида аҳоли учун керакли шарт-шароит ва имкониятлар яратилиб, малакали тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши юртимиз раънақи, келажагига бўлган ишонч, ҳурмат ва эътиборнинг рамзидир. Дарҳақиқат, кейинги йилимиз ҳам биз тиббиёт ходимлари олдига катта масъулият юклар экан, фарзандларимизнинг янада соғлом ва баркамол бўлишлари учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, уларнинг саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилишга муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Сизларни яна бир бор Янги йил айёми билан самимий қутлаб, йилимизнинг ҳар бир хонадонга файзу барака олиб киришини тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Дил изҳори

МАҲОРАТДА ГАП КЎП

Халқимизда «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ» деган нақл бор. Бу мақол нечоғлик ҳақиқат эканлигига амин бўлдим. Кейинги пайтларда қорним соҳасидаги кучли оғриқ тез-тез безовта қиладиган бўлди. Шифокорларга мурожаат қилганимда улар мени чуқур текширувдан ўтказгач, ичак соҳасида ўсимта борлигини айтишди. Бу хабарни эшитган фарзандларим мени зудлик билан Москвага олиб боришди. Биз у ерга боргач, москвалик мутахассислар: «Ўз юртингизда кучли хирурглар бўлса, бундан ташқари бизда навбатда турган беморлар сон-саноксиз, шунингдек режасиз қаражатлар сизни қийнаб қўймасмикан, вақтни бой бермасдан Тошкентдаги Онкология марказининг директори, малакали мутахассис Саримбек Наврўзовга мурожаат қилишингизни тавсия этамиз», дейишди.

Уларнинг берган тавсиялари-

га қулоқ тутиб хато қилмаган эканман. Бунга даволашни ва операция жараёнида гувоҳи бўлдим. 1 соату 40 дақиқа давомида тик оёқда бор илмий маҳоратини ишга солиб, мени дард азобидан халос этган, колопроктология бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Сулаймон Абдужабборов ҳамда даволовчи врач Элмурод Акбаровнинг машаққатли меҳнатларига таҳсин айтгим келади. Шунингдек, Онкология маркази директори, профессор, самимий ва камтарин инсон, ўз касбининг билимдони Саримбек Наврўзов ва унинг жамоасига ўз миннатдорчилигини билдириб, уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ҳамда савобли ишларида янги ютуқлар тилаб қоламан.

Азиз БОБОХОНОВ,
Матбуот аълоҳиси,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими.

Шаги реформы

КРОПОТЛИВЫЙ ТРУД ДЛЯ БЛАГОПОЛУЧИЯ И ЗДОРОВЬЯ ЧЕЛОВЕКА

Считанные дни остались до наступления 2008 года: ровно через неделю мы проводим в историю 2007 год. Этот год в республике Узбекистан был назван Годом социальной защиты. Прежде чем перешагнуть этот порог и войти в новый год, необходимо оглянуться назад и проанализировать те события мира медицины, которые оказались наиболее яркими и значимыми в медицинской жизни нашей республики. О том, чем запомнился этот год и какие преобразования произошли в сфере медицины, мы попросили рассказать и.о. начальника Главного управления лечебно-профилактической помощи Министерства здравоохранения Республики Узбекистан В. С. АЛИМОВУ.

— Уважаемая Васила Саттаровна, мы стоим на пороге нового 2008 года. Сейчас самое время проанализировать все события, произошедшие в мире медицины уходящего года. Что вы можете сказать о деятельности Министерства здравоохранения за этот год, и какие результаты были достигнуты за этот период?

— Уходящий год был очень плодотворным в сфере медицины. В течение 12 месяцев 2007 года лечебно-профилактическими учреждениями системы здравоохранения продолжала проводиться работа по выполнению мероприятий, установленных государственными программами реформирования системы здравоохранения, принятыми указами Президента Республики Узбекистан № УП-2107 и № УП-3214. За отчетный период сокращено количество стационаров с 944 до 905 (за счет сокращения и перепрофилирования СУБ, инфекционных больниц и маломощных районных больниц) и, соответственно, коек в них с 136 125 до 132 289. При этом отмечается увеличение количества пролеченных больных с 2 893 562 за 12 месяцев 2006 года до 2 990 659 в аналогичном периоде 2007 года, то есть на 1,0%. Результатом проводимых реформ является увеличение количества амбулаторно-поликлинических учреждений. В частности количество СВП увеличилось с 2 879 в 2006 году до 3 072 в 2007. Соответственно увеличивается мощность амбулаторно-поликлинических учреждений и количество их посещений. За 12 месяцев 2007 года по сравнению с аналогичным периодом прошлого года мощность ЛПУ увеличилась на 1 241 единицу, а количество посещений — на 1 241 единицу.

Проведены анализ состояния фтизиатрической, онкологической, психиатрической служб и судебно-медицинская оценка дефектов оказания медицинской помощи по материалам комиссионных экспертиз за период 2002 — 2006 гг., итоги которых обсуждены на заседаниях Минздрава. Что касается областей нашей республики. Изучено состояние системы здравоохранения Сырдарьинской области, и по итогам было проведено совместное заседание Коллегии Минздрава и хокимията Сырдарьинской области. Изучено выполнение Решения Выездной Коллегии Министерства здравоохранения, проведенной в 2006 году в Наманганской области. Результаты изучения рассмотрены на очередной коллегии Министерства здравоохранения.

Изучено состояние системы здравоохранения Андижанской области, итоги которого были рассмотрены на совместном заседании Министерства здравоохранения и хокимията области.

охранения и хокимията области. Согласно плану работы Республиканской комиссии по организации контроля за реализацией Госпрограммы реформирования системы здравоохранения, изучено состояние службы "03". Разработанные с целью улучшения качества оказываемой медицинской помощи населению, рационального использования ресурсов системы здравоохранения стандарты диагностики и лечения на этапах оказания медицинской помощи по 19 направлениям, внедряются в практику.

Помимо этого, специалистами ТМА и его филиалов, ТашПМИ, ТашИУВ и других медицинских институтов за период с 5 июля по 25 августа 2007 года оказана практическая медицинская помощь населению регионов республики. Специалистами ведущих клиник вузов было проведено более 17 тысяч консультаций, более 300 операций, более 800 встреч с населением и около 70 выступлений по радио и телевидению, для врачей проведено 400 семинаров.

— Известно, что уходящий год, именуемый Годом социальной защиты остался в истории страны как год милосердия, доброты. Какие мероприятия, соответствующие данному названию, были проведены в уходящем году? Какая помощь была оказана лицам, страдающим социально значимыми заболеваниями?

— Действительно, следуя девизу 2007 года, мы проводили множество мероприятий, касаемых социальной жизни людей. Уязвимым слоям населения было уделено особое внимание. На сегодняшний день ведется мониторинг выполнения "Программы противодействия незаконному обороту наркотических средств, психотропных веществ и злоупотреблению ими на 2002 — 2005 гг.", постановления Кабинета Министров № 365 от 25.08.2003 года "Об утверждении положения о медицинском осмотре лиц, вступающих в брак". Проведен медицинский осмотр 403 401 лиц, вступающих в брак. Согласно постановлению, из них у 2 287 лиц установлены заболевания по 5 нозологиям. С целью выполнения Госпрограммы "Год социальной защиты" издано постановление Кабинета Министров от 17 апреля 2007 года № 78 "О внесении изменений и дополнений в положение о медицинском обследовании лиц, вступающих в брак".

Во исполнение постановления Главного Государственного санитарного врача Республики Узбекистан № 42 от 22 декабря 2004 года с целью предупреждения необоснованного применения крови и ее компонентов издан приказ Минздрава № 88 от 22.02.2007 года "Об утверждении показаний для применения крови и ее компонентов в лечебно-профилакти-

ческих учреждениях". Также издан приказ Минздрава №162 от 12.04.2007 года "Об упорядочении деятельности учреждений службы крови по обеспечению безопасности донорской крови и ее компонентов". Помимо этого, во исполнение постановлений Президента Республики Узбекистан от 07.09.2006 г. №ПП-459 "О программе по адресной социальной защите одиноких престарелых, пенсионеров и инвалидов, а также мерах по усилению оказания им социальной помощи на 2007 — 2010 годы" и от 23.01.2007 г. №ПП-573 "О Государственной программе "Год социальной защиты" были изданы соответствующие приказы Минздрава, а также совместные приказы с Министерством труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан. Проведен медицинский осмотр 31 751 лица, из числа одиноких престарелых, пенсионеров и инвалидов, из них 8 730 лиц оздоровлены в стационарных, 19 790 лиц в амбулаторных условиях, 4 313 лиц — в стационарах на дому, 59 — в санаториях. В НИИ Терапии и медицинской реабилитации пролечено 1 066 лиц из вышеуказанного контингента населения. В целях реабилитации инвалидов I-II групп с глазными заболеваниями среди одиноких пенсионеров и малообеспеченных семей 1 489 больным была проведена бесплатная коррекция зрения интраокулярной линзой (протезирование искусственным хрусталиком) на общую сумму 135,1 млн. сум.

Согласно Государственной программе, с целью улучшения обеспеченности социально уязвимых слоев населения лекарственными препаратами 392 606 лиц бесплатно обеспечены лекарствами по льготным рецептам на сумму 2 243,7 млн. сум. Кроме того, для больных с социально значимыми заболеваниями специализированные ЛПУ республики централизовано обеспечены лекарственными препаратами на сумму более 4 802,6 млн. сум. Хотелось бы отметить, что в рамках проекта Европейского союза "Национальная информационная сеть по обороту наркотиков — NADIN" в "Программу учета наркотических больных, состоящих на диспансерном и профилактическом учете в наркологических учреждениях республики", на сегодняшний день введены 22 390 больных, состоящих на диспансерном и профилактическом учете (всего на учете состоит 252 512 наркологических больных).

Совместно с ВОЗ проведен семинар по результатам проекта по заместительной терапии метадон и бупренорфин. В рамках реализации проекта Глобального фонда по борьбе с ВИЧ/СПИД, туберкулез и малярия (компонент "туберкулез") создана электронная база данных больных туберкулезом. На сегодняшний день все области полностью охвачены электронным слежением за больными туберкулезом. За 12 месяцев 2007 года по республике флюорографическим обследованием охвачено всего 2 151 578 человек, у 7 010 из них выявлен активный туберкулез. В том числе обследовано 832 600 женщин фертильного возраста, выявлено больных — 2 176, пенсионеры — 127 390, выявлено больных — 1 130, инвалиды — 127 425, выявлено больных — 630, оди-

ноккие престарелые — 20 572, выявлено больных — 109.

Все больные активным туберкулезом госпитализированы в специализированные противотуберкулезные учреждения, и проведены лечебные мероприятия.

— На сегодняшний день Узбекистан стоит на пути реформ и преобразований. Проводится реформирование всех систем общественной жизни, в том числе системы здравоохранения. Какие действия предпринимались Министерством здравоохранения в 2007 году во исполнении Указа Президента Республики Узбекистан №УП-3214 от 23.02.2003 г. "О мерах по дальнейшему реформированию системы здравоохранения"?

— Продолжена работа по выполнению Указа Президента Республики Узбекистан №УП-3214 от 23.02.2003 года "О мерах по дальнейшему реформированию системы здравоохранения", постановлений Кабинета Министров №140 от 27.02.2003 года и № 264 от 08.06.2004 года. За 12 месяцев 2007 года в Республиканских специализированных медицинских центрах всего пролечено 30 942 (2006 г. — 28 562) больных, в том числе 4 693 (15,1 %) — за счет бюджетных средств, 26 249 (84,9 %) — за счет платных услуг. По сравнению с аналогичным периодом 2006 года количество пролеченных больных увеличилось на 2 380 единиц, в основном за счет больных, пролеченных на платной основе. При этом доля бюджетных больных увеличилась с 15,7 % в 2006 г. до 15,1 % в 2007 г., составляя в Центре хирургии 25,8 % (вместе с экстренными больными), в Центре кардиологии 14,7 %, в Центре урологии 11 %, в Центре микрохирургии глаза 16,6 %. За отчетный период в 4-х центрах выполнено 11 797 оперативных вмешательств и диагностических процедур, из них 4 931 (41,8 %) — высокотехнологичные. Количество оперативных вмешательств по сравнению с 2006 годом увеличилось на 587 единиц, а количество высокотехнологичных вмешательств — на 306 единиц. Средний показатель оперативной активности по центрам составил 87,2 % (2006 г. — 88 %). Было проведено большое количество мероприятий, осуществляемых во исполнение Указа Президента "Об основных направлениях дальнейшей углубления реформ и реализации Государственной программы развития здравоохранения" №3923 от 19 сентября 2007 года и соответствующего Постановления Президента "О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики" №ПП-700 от 2 октября 2007 года. Разработаны проекты положений о республиканских специализированных научно-практических медицинских центрах, таких, как центр фтизиатрии и пульмонологии, дерматологии и венерологии, терапии и медицинской реабилитации, эндиринологии, акушерства и гинекологии, педиатрии, как самостоятельных специализированных медицинских учреждений, осуществляющих лечебно-профилактическую и научно-методическую деятельность по данным направлениям и оказывающих населению высококвалифицированную специ-

ализированную медицинскую помощь. Также разработаны проекты положений об областном диагностическом центре, областном многопрофильном медицинском центре, областном детском многопрофильном медицинском центре, районном медицинском объединении, сельском врачебном пункте и внесены в Министерства экономики и финансов на согласование.

Издан приказ по номенклатуре учреждений здравоохранения. Разработан проект национальной Концепции службы крови.

— Новый год подразумевает начало новой жизни, а следовательно, переход на новый этап развития. Расскажите, пожалуйста, о планах по дальнейшему развитию системы здравоохранения в будущем году?

— Совместно с управлением Министерства здравоохранения разработан план мероприятий по реализации документа "Стратегия повышения благосостояния населения на 2008 — 2010 гг.", утвержденного Президентом Кабинета Министров Республики Узбекистан и направлен в Министерство экономики. Названный документ определяет основные направления и меры по ускорению экономического роста и повышению уровня жизни населения страны на период 2008 — 2010 гг. Блок по здравоохранению предусматривает создание системы широкого доступа населения к медицинским услугам. Во исполнение постановления Государственной Комиссии Республики Узбекистан по контролю за наркотиками №8/07 от 02.05.2007 года "О Программе комплексных мер противодействия злоупотреблению наркотиками и их незаконному обороту на 2007 — 2010 гг." издан приказ Министерства здравоохранения №275 от 20.06.2007 года "О реализации Программы комплексных мер противодействия злоупотреблению наркотиками и их незаконному обороту на 2007 — 2010 гг.". Кроме того, одной из основных задач, стоящих перед Министерством здравоохранения, является проведение мероприятий по организации деятельности создаваемых в республике специальных научных практических центров, областных многопрофильных медицинских центров, в том числе детских областных диагностических центров, районных медицинских объединений и СВП.

— Что бы вы пожелали читателям нашей газеты в 2008 году?

— Пользуясь случаем, хотелось бы поздравить весь народ нашей республики с приближающимся 2008 годом, объявленным в нашей стране Годом молодежи. Желаю всем вам крепкого здоровья, пусть в ваших семьях царит мир и благополучие. И пусть молодежь — строители нашего великого будущего — покорают все большие вершины и радуют нас своими успехами.

Беседовала
Ибодат СОАТОВА.

Эътироф

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 4-сонли «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2001 йил 6 июлдаги 290-сонли «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танлови ғолибларига илмий даража ва илмий унвон бериш тўғрисида»ги Қарорлари асосида Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазир-


ликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ва ёш педагог ҳамда илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жағмаграсининг ўқув адабиётлари республика танлови ўтказиб келинмоқда.

Мазкур мавзудаги бу йилги танлов Ватанимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинганининг 10 йиллиги ҳамда ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилди. Тиб-

бий таълим соҳаларига оид ўқув адабиётлардан 12 номдагиси ҳамда 36 нафар муаллифнинг ушбу ғолиблар рўйхатидан жой олиши жуда фахрлидир.

Эътиборингизга «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» 2007 йил Республика танловида ғолиб деб топилган муаллифлар ҳамда уларнинг китоблари тўғрисида маълумот беришни лозим топдик.

ИЛМУ МАЪРИФАТ ЙЎЛИДА



– Тиббиёт шу қадар чуқур фанки, у мутахассисдан тўғри ташхис ва касбий маҳоратни талаб қилади, – дейди профессор Ўткир Шарапов.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизими ислоти асосида тиббиёт институтларида умумий амалиёт шифокорлари тайёрланмоқда. Унинг фаолиятдаги амалиётда ички касалликлар билан оғирган беморлар кўп учрайди. Шунинг учун ички касалликларни ҳар бир талаба чуқур ўрганиши лозим. Кейинги 5-10 йил ичида терапевтик касалликларнинг ривожланиш сабаблари, уларда юз берадиган патогенетик жараёни ўрганиш вақтида ташхис қўйиш услубларида анчагина янгиликлар пайдо бўлди. Ушбу янгиликлар мавжуд ўзбек тилидаги ички касалликлар дарсликларидан батафсил ёритилмаган эди.

Такриз қилинаётган «Ички касалликлар» Ў. Шарапов ва Ф. Ғаффорова муаллифлигидаги дарслик (Тиббиёт институтлари талабалари учун. 604-бет. «Янги аср авлоди» нашриёти. Тошкент 2007 йил.) янги нашрдан чиқарилиб, юқоридаги камчиликларни бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Китобнинг биринчи боби терапевтларга ва умумий амалиёт шифокорларига кўп ҳолларда мурожаат қилишга сабаб бўлувчи нафас органлари касалликларига бағишланган. Ушбу касалликлар ҳозирда кенг тарқалган бўлиб, дарсликда уларнинг клиник манзаралари ўзига хослиги, ривожланиш механизмидаги замонавий янгиликлар, самарадор даволаш усуллари кенг ёритилган. Талабалар учун ушбу касалликларнинг ташхис услублари чуқур таҳлил қилинган. Дарсликнинг мазкур бобида талаба ҳар бир касалликнинг нозологик хиллари, клиникаси, кечиши, асорат ва оқибатлари мезонларини аниқ билиб олади. Пневмониянинг этиологияси турли-туманлиги, сурункали обструктив бронхитларнинг кўп учраши, крпоз пневмониянинг кечиши асосан кам муроаб бўлган энгил шакллари кенг учраши каби ҳолатлар, умумий амалиёт шифокорлари учун ташхис қўйишда қандай қийинчиликлар ва нимага ташхис дарсликда алоҳида кўрсатилган.

Юрак қон-томирлари ти-

зими касалликларига бағишланган **II боб бошида** ревматизм касаллигининг этиопатогенези, клиникаси ёзилган. Америка кардиологлари уюшмаси мукамаллаштирган ва А. Нестеров томонидан А. Кисель мезонла-



ри асосида аниқланган тасниф дарсликда келтирилган. Ревматизм фаоллик даражасига мувофиқ клиник-лаборатория мезонлари ёзилиши ва ташхис қўйишнинг аниқлаштирилади. Ушбу касалликларни замонавий даволаш усуллари тўлиқ келтирилган.

Орттирилган юрак илатларидаги гемодинамик ўзгаришлар клиникаси, ЭКГ, рентген, ЭхоКГ, ФКГ текширувларининг ташхис қўйишдаги аҳамиятининг ёзилиши шу касалликларни ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Туғма юрак илатларини ташхислашда клиник маълумотлар, ФКГ, рентген текшируви, катетер билан текшириш, ангиокардиография маълумотларига асосланиш тўлиқ ёзилган. Туғма юрак илатлари расмида кўрсатилган. Юрак қон-томир касалликлари XXI асрда ҳам жаҳон бўйича аҳоли ўртасида ўлимига олиб келувчи сабабларнинг биринчиси. Шу сабабли тиббиёт институтлари талабалари ушбу касалликларни чуқур ўзлаштирган бўлишлари шарт. Шунинг учун ушбу дарсликда атеросклероз, гипертония, юрак ишемик касалликлари: стенокардия, ўткир қоронгар синдром, миокард инфаркти, юрак ритмининг бузили-

ши, сурункали юрак етишмовчилигининг замонавий патогенези, клиникаси, таснифи, оқибатлари ва асоратлари ўқув дастурида талаб даражасида ёритилган. Дарсликнинг ютуқларидан бири ушбу касалликлар ташхисида қўлланилган замонавий усуллари: ЭКГ, эхокардиография, эндоваскуляр диагностика, коронарография, велоэргометрия, тредмил усуларида текширишлар аҳамияти таҳлил қилинган. Биокимёвий текширишларнинг (холестерин, липопро-теинлар, КФК, миоглобин, тропонинлар, ЛДГ1) диагностикадаги аҳол ўрни ёритилган. Ушбу касалликларда яхши самара берувчи замонавий дориларни таъсир механизмига асосланиб тузилган жадваллар берилганлиги мавзунини талабалар томонидан ўзлаштиришни енгилаштиради.

Дарсликнинг III бобида овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари (сурункали гастрит, ошқорзон ва 12-бармоқли ичак яраси, сурункали энтерит, колит, холецистит, панкреатит) кечиши, этиопатогенези, янги таснифлари, даволаш стандартлари келтирилган. Сурункали гепатитларнинг замонавий таснифи, ҳар хил вируслар таъсирида ривожланадиган сурункали гепатитлар ўзига хослиги, ташхисда қўлланиладиган янги усуллар давомида қўлланиладиган замонавий дорилар батафсил баён қилинган.

Дарсликнинг IV бобида буйрак касалликлари, шу жумладан, ўткир кечувчи гломерулонефрит, буйрак амилоидози, сурункали буйрак етишмовчилиги сабабларининг ривожланиши, клиник кечиши, таснифи, замонавий усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Китобнинг V бобида қон тизими касалликларининг энг кўп учрайдиганлари (лейкозлар, геморрагик диатезлар, минтақада кўп учрайдиган темир моддаси етишмовчилиги билан боғлиқ камқонлик) ёритилиб берилган.

Дарсликнинг VI бобида ҳозирги даврда шифокорлар амалиётида тез-тез учраб турадиган бириктирувчи туқма диффуз тизими ва бўғимлар касалликларини системали склеродермия, туғучали периафрит, дерматомиозит ҳақидаги маълумотлар тўла келтирилган. Бундан ташқари, дарсликда 53 та жадвал, 9 та расм берилган.

Ўзбек тилида ёзилган «Ички касалликлар» дарслигининг 1-нашри 1994 йилда 25 минг нусхада чоп этилган эди. Иккинчиси эса, 2004 йилда қайтадан ишланган нашр этилди. Дарсликнинг III нашри латин алифбосида 2006 йилда чоп қилинди. Такриз қилинган дарслик 2007 йилда қайтадан тўлдирилган ҳолда нашрдан чиқди.

«Ички касалликлар» китоби тиббиёт институтлари талабаларига мўлжалланган дастурга тўла жавоб берадиган замонавий дарсликидир.

Такриз якунида муаллифлар эътиборини дарсликнинг янги нашрларига мавзуга хос чизма ва расмларни кенг қўллаш таклифини киритамиз.

Тўхташ СОЛИЕВ,
Тошкент Тиббиёт академияси госпитал терапия кафедраси профессори.

Илм-фаннинг эртанги тараққиёти учун муносиб пойдевор яратётган, бой илмий-амалий фаолиятини фармацевтика соҳасига бахшида этган, минглаб шогирдларнинг сеvimли устози Минхожиддин Махсумовнинг «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» 2007 йил Республика танловида ғолиб деб топилганлигини йиллар давомида қилинган меҳнатлар самарасидан бир нишондир, деб баҳолаш мумкин. Ҳали тафаккурда тиббиётнинг очилмаган қирраларини забт этишдек сабру матонат топа олган профессор-олим, фармацевтика фанлари доктори Минхожиддин Махсумов танловнинг «Олий таълим муассасалари учун энг яхши дарслик номинацияси» бўйича 2006 йил «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чоп этилган «Фармакология» ўқув қўлланмаси учун мукофотланди.



СУРАТДА: устоз Минхожиддин Махсумов шогирдлари даврасида.

Мазкур қўлланма бакалавр босқичида таълим олаётган фармацевт талабалар учун мўлжалланган бўлиб, унда асосан дори воситаларининг таркиби, қелиб чиқиши, санаотдаги аҳамияти, қолверса, инсон организмга таъсир тўғрисидаги етарли маълумотлар билан боғлиқ.

– Фармакология – бу дори воситаларининг инсон организмга таъсирини ўрганувчи фан. Тошкент Фармацевтика институтига эса шу ном билан махсус кафедра мавжуд бўлиб, мана 43 йилдирки, талабаларга назарий ва амалий билимлар бериб келаямиз, – дейди тажрибали олим.

Жонкуяр олим М. Махсумов кўп йиллик фаолияти давомида талабалар учун 4 та ўқув дарслиги, бир нечта монография ва фармакологик қўлланмаларни яратди. Айни қунда фаннинг нозик сир синоватлари, энг сўнгги янгиликларидан талабаларга сабоқ бериб келмоқда.

– Аҳамият берадиган бўлсак, чет эллардан кириб келаятган аскарият дори-дармонлар қиммат, сифат даражаси етарли эмас, лекин шунга қарамайдан баъзи бир одамлар ушбу дорилардан истеъмол қилади. Эҳти-мо, бу кимгадир ижобий таъсир қилса, баъзиларда салбий оқибатларни келтириб чиқаради. «Дорилар аллергияси» деган тушунчанинг оммалашуви ҳам айнан юқоридаги муаммолардан келиб чиқди. 1992 йилда таш-

кил этилган Ўзбекистон «Фармакология» кўмитаси, Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан ҳар бир дори тиббий назоратдан ўтказилиб, уларнинг захарли ёки захарли бўлмаган таъсирлари мукамал ўрганиб чиқилди, агарда улар истеъмолга яроқли деб топилса, фойдаланишга рухсат этилади. Ҳозирги вақтга келиб ўсимлик таркибидан олинаётган шифобахш дорилар республикамиздаги бир қанча ишлаб чиқариш саноатларида тайёрланмоқда. Янги сифат, янги технология билан сирлаша оладиган фармацевт кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш борасида ҳам Тошкент Фармацевтика институтини етакчи билим масканларидан бири ҳисобланади, – дейди суҳбат чоғида устоз

Минхожиддин Махсумов.

Шунингдек, олим Республика танловида Тошкент Фармацевтика институтидан Н. Ҳолматов, Ў. Аҳмедовнинг «Фармакогнозия» (2006 йил, «Фан» нашриёти), Р. Раҳимов, Н. Тихоноваларнинг «Фармацевтика электрониканинг роли» (2006 йил, «Фан» нашриёти), Қ. Убайдуллаев, И. Азизов, А. Саидвалиев, В. Абдуллабекова, А. Тулганов ҳамкорлигида тайёрланган «Фармацевтик қимё», С. Аминов, В. Попков, М. Қурбонваларнинг «Физик ва коллоид кимёдан амалий машғулотлар» ўқув дарсликларига ғолиб деб топилганлигини фахр билан тилга олди. Қилинган меҳнатларга яраша кўрсатилган ғамхўрлик туфайли бу йил устоз Минхожиддин Махсумов «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочили» кўкрак нишони билан Тошкент Фармацевтика институтининг 70 йиллик юбилей арасидаги ўтказилган тадбирда муносиб тақдирланди.

Халқимизда «Юзлардан нур ёғилиб турибди» деган таърифнинг айнан меҳрибон устоз харақтерига мос келиши, у кишининг меҳрибонлиги ила шогирд-талабалар тилидан ҳурмат-эъзозга муносиб қадрланиши, бир ўқинда ҳайратини оширсин, иккинчи томондан берилган эътироф ва мукофотлар бежиз эмаслиги ишончимиз-ни орттиради.

Намоз ТОЛИПОВ.

Кун мавзуси

Жорий йилнинг 20-23 ноябрь кунлари Женева шаҳрида Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамкорлигида Миллатлар саройида «Пандемик гриппга тайёргарликни таъминлаш» мавзусида ҳукуматлараро анжуман бўлиб ўтди. Йиғилишда 112 та мам-

лакатдан вакиллар иштирок этди. Анжуманда асосан пандемик гриппга тайёргарликни таъминлаш, давлатларда ажратилган вирусларнинг алмашинуви, вакцинанинг халқаро захирасини яратиш, пандемик вакцинани тарқатиш механизмини шакллантириш, ютуқ ва янгиликлар борасида тажриба алма-

шиш, шунингдек, ҳамжиҳатликда иш олиб бориш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ўта хавфли юқумли касаллик-

лар бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди Хусан Бобомуродович Сапаров иштирок этди. Ушбу анжуманда кўрилган асосий масалаларга бевосита боғлиқ бўлган парранда гриппи касаллиги тўғрисида Хусан Бобомуродович билан суҳбатлашнишни лозим топдик.

ПАРРАНДА ГРИППИ: ЖАҲОН МУТАХАССИСЛАРИ НИГОҲИДА

— Хусан Бобомуродович парранда гриппи касаллиги бўйича дунёда эпидемиологик вазият қандай?

— Дунё миқёсида парранда гриппи касаллиги бўйича эпидемик ва эпизоотик вазият мураккаблигича сақланмоқда. Ҳозирги кунда бу касалликнинг паррандалар ўртасида панзоотияси, яъни дунёнинг қатор давлатларида касалликнинг кенг тарқалиши кузатилаёпти. Парранда гриппи дастлаб 3-4 та Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида қайд этилган бўлса, бугунги кунга келиб, бундай давлатлар сони 30 тадан ошди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг расмий маълумотларига кўра, одамлар ўртасида парранда гриппи касаллиги дунёнинг 12 та давлатида рўйхатга олинган (Вьетнам, Индонезия, Камбоджа, Хитой, Таиланд, Озарбайжон, Джибути, Миср Араб Республикаси, Ироқ, Лаос, Нигерия, Туркия). Бу давлатларда парранда гриппига 335 нафар одам чалинган бўлиб, уларнинг 60 фоиздан кўпроғида ўлим ҳолатлари қайд этилган. Парранда гриппининг одамларда оғир кечиши, ўлим кўрсаткичининг юқорилиги, бугунги кунгача касалликнинг самарали даволаш усуллари ва махсус профилактикаси ишлаб чиқилмагани, бундан дунё аҳолисини хавфга тўғаймоқда.

— Мазкур касаллик қайси жихатлари билан хавфли?

— Биринчидан, парранда гриппи вирусининг кўп жихатлари ўрганилмаган, вирус жуда ўзгаришчан; иккинчидан, касаллик ҳозирча паррандалар ўртасида тез тарқалаёпти, ўлим кўрсаткичи сал кам 100 фоизни ташкил этади; учинчидан, касалликнинг самарали даволаш усуллари ишлаб чиқилмаган, шу сабабли ҳам бу касалликда ўлим кўрсаткичи жуда юқори (ўртача 50-60 %); тўртинчидан, касалликка қарши махсус профилактика, яъни яхши самара берадиган вакциналар ишлаб чиқилмаган; бешинчидан, бу касалликда, одам учун касаллик манбаи паррандалар ҳисобланади, шу боис, чора-тадбирларни амалга оширишда айрим муаммолар ҳам мавжуд (парранда миграцияси ва бошқалар).

— Парранда гриппи касаллиги бизнинг республикамиз ҳудудидида қайд этилганми?

— Бугунги кунгача республикамизда бу касаллик парранда ва одамлар ўртасида рўйхатга олинмаган.

— Парранда гриппи бизнинг республикамиз ҳудудларига четдан кириб келиши мумкинми?

— Республикамиз ҳудудлари-

га бу касалликнинг четдан кириб келиш хавфи мавжуд. Бу касаллик парранда гриппи вируси билан зарарланган тирик парранда ва уларнинг маҳсулотлари, асосан ўғити ва туҳумлари орқали кириб келиши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари билан парранда гриппи қайд этилган давлатлар ҳудудларидан тирик парранда, парранда маҳсулотларининг киритилиши вақтинча таъқиқланган.

Ҳозирги кунда чегара ҳудудларидаги барча божхоналарда ташкил этилган ветеринария ва санитария назорати пунктлари бу муҳим тадбирни қатъиян назорат остига олишган. Касаллик вируси бизнинг ҳудудларимизга ўғити келувчи ёввойи паррандалар орқали четдан кириб келиши ҳам мумкин. Касаллик вирусини жанубий ҳудудлардан ўғити келувчи қушлар йилнинг баҳор ва куз фасалларида олиб келиши мумкин. Бу қушларнинг маълум бир қисми республикамиз ҳудудларидан ўғити шай пайтида озқиланиш, дам олиш учун очиқ сув ҳавзаларига кўнишлари ва шу жараёнда вирусни улар очиқ сув ҳавзаларидаги доимий яшайдиган қушларга юқтириши мумкин. Шу боис, республикамиздаги мавжуд ҳар бир сув ҳавзаси табиати муҳофаза қилиш хизмати мутахассислари томонидан ҳар кунлик назоратга олинган.

— Парранда гриппининг кўзгатувчиси тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.

— Парранда гриппини А турдаги гриппи вируси кўзгатади. Айрим олимларнинг фикрича, бу вирус одам ва паррандалар учрайдиган грипп касаллиги вирусларининг чатишиши натижасида пайдо бўлган деб ҳисоблашса, баъзи олимлар эса бу вирус одамдаги одатдаги грипп вирусининг мутацияси, яъни ўзгариши натижасида пайдо бўлган деган фикр билдиришган. Ҳозирча олимлар бу борада бир тўғамга келолмаганича йўқ.

Одамлар ва паррандаларда қайд этилаётган парранда гриппининг кўзгатувчиси А/Н₂Н₂ вирусидир. Бу вирус биринчи бўлиб, одамларда 1997 йили Гонконгда аниқланган. Вирус иссиқ ҳароратга чидамсиз, +70°C да вирус бир зумда ҳалок бўлади. Паст ҳароратга эса вирус анча чидамли. Музлатилиб сақланган парранда ўғити ва туҳумларда вирус бир йилгача тирик сақланади. Парранда ахлатида, совуқ об-ҳавода бир ойгача, иссиқ об-ҳавода эса, олти кунгача тирик сақланиши исботланган. Парранда гриппига чалинган парранда агар ўлмасдан тирик қолган бўлса, вирус унинг оғзидан ва ахлати билан вирусни ташқи муҳитга 10 кунгача чиқариб туради.

— Касалликнинг манбалари ва юқиш йўллари тўғрисида гапириб берсангиз?

— Парранда гриппининг манбалари асосан, сувда сузувчи паррандалардир. Табиатда вируснинг резервуарлари, яъни сақловчилари сувда сузувчи паррандалар (ўрдақ, гоз ва бошқалар) ҳисобланади. Парранда гриппи бу паррандаларда билинар-билинемас аломатлар билан кечади. Уй паррандалари бу касаллик вирусини ёввойи паррандалардан юқтириб олади. Касаллик паррандалардан паррандаларга, шунингдек, одамга ва баъзи бир ҳайвонлар (чўчка, сигир, ит, мушук, кит, толен)га юқади.

Парранда гриппи вирусининг одамдан-одамга ва одамдан паррандага юқиши исботланмаган. Одамга бу касаллик парранда гриппига чалинган паррандалар билан мулоқотда бўлганда, юқори нафас йўллари орқали юқади. Бундан ташқари, парранда гриппи, парранда гриппига чалинган паррандаларнинг маҳсулотлари (ўғити, туҳуми)ни яхши термик ишлов бермасдан истеъмол қилганда, паррандалар билан мулоқот жараёнида (сўйишда, патини юлишда, маҳсулотларига ишлов беришда ва ҳоказо) тери ва шиллиқ қаватлар орқали юқиши мумкин деган тахминлар ҳам бор. Лекин одамлар ўртасида ҳозиргача қайд этилган касаллик ҳолатларида касалликнинг бундай юқиш йўллари исботланмаган.

— Парранда гриппи одамларда қандай клиник аломатлар билан кечади?

— Касаллик одамда тана ҳароратининг кўтарилиши билан бошланади (38°C дан юқори), бош ва мушакларда, томоқда оғриқ, одатдаги гриппга хос бошқа аломатлар қайд этилади. Беморнинг нафас олиши қийинлашади, аксарият беморларда ўпка айланиши, яъни пневмония кузатилади, бемор ҳаво етишмаслигидан қийналади, 50 фоиздан кўпроқ беморларда кўнгил айнаб қушиш, ичинги суюқ кетиши каби аломатлар ҳам қайд этилади. Одамларда касаллик оғир кечади ва ўлим кўрсаткичи юқори бўлади (ўртача 50-60 фоиз).

— Глобал муаммага айланган парранда гриппи пандемияси тўғрисида мутахассис сифатида фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз.

— Парранда гриппининг яқин келажакдаги пандемияси, яъни бу касалликнинг дунё миқёсида кенг тарқалиши кузатилиши мумкин. Бунинг учун парранда гриппи вируси шунчалик мутацияга, яъни ўзгаришга учраши кераки, вирус одамдан-одамга юқиб бошлаши лозим, шундагина навбатдаги

грипп пандемияси қайд этилиши мумкин.

Грипп пандемиялари ҳар 30-40 йилда қайд этилган, ер курашдаги охириги грипп пандемияси 1968-1969 йилларда кузатирилган. Соҳа мутахассис ва олимларининг ҳисоб-китоби ҳамда эпидемиологик башорати бўйича грипп касаллигининг навбатдаги пандемиясининг қайд этилиши муқаррар, лекин қачон бу пандемия кузатилиши мумкинлиги бўйича аниқ бир фикрлар йўқ.

— Касалликнинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратилиши лозим?

— Парранда гриппи — бу паррандалар касаллиги. Аввало, ушбу бу касалликни паррандалар ўртасида олдини олиш керак. Бунинг учун имкон қадар ёввойи паррандалар билан уй паррандалари ўртасидаги мулоқотни узиш, айниқса, йилнинг март-апрель ойларида уй паррандаларини иложи борида ёпиқ шароитда сақлаш, уларни ўз вақтида парранда гриппига қарши эмлаш керак.

Ёввойи қушлар ёки уй паррандалари ўртасида оммавий нобуд бўлиш ҳолатлари кузатишса, жойлардаги ветеринария хизмати идораларига ўз вақтида хабар бериш, чегаралардан тирик паррандаларнинг олиб ўтилишини ва ёввойи паррандаларини овлашни тақиқлаш, касалликнинг кенг тарқалиш кетишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Паррандалар сақланадиган жойларда санитария-ветеринария тартиб-қоидаларига риоя қилиш, шахсий гигиена қоидаларига пухта амал қилиш, бу касалликнинг олдини олишда катта роль ўйнайди.

Бир қатор давлатларда, жумладан, Хитой, Вьетнам ва Америкада парранда гриппига қарши вакциналар ишлаб чиқилган, бугунги кунда бу вакциналар синиб кўриляпти. Бунинг учун маълум бир вақт керак бўлади. Яқин келажакда одамларни парранда гриппига қарши эмлаш ишлари

кенг кўламда қўлланила бошласа ажаб эмас.

— Хусан Бобомуродович, ҳар бир нуфузли йиғилишларда яқуний ҳужжат лойиҳаси тайёрланади. Бунда ҳар бир иштирокчи ўз таклифларини киритади. Мазкур яқуний ҳужжат лойиҳасига қандай таклифларни киритдингиз.

— Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ассамблеясининг 2008 йил май ойида бўлиб ўтадиган 61-сессиясида муҳокама этиш учун яқуний ҳужжат лойиҳаси тайёрланди. Шу яқуний ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда мен қуйидаги таклифларни киритдим:

ажратилган вирусларнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш механизминини ишлаб чиқиш ва барча давлатларда жорий этиш;

пандемик вакцинанинг халқаро захирасини адолатли ва тенг ҳуқуқлилик асосида, эпидемик вазиятдан келиб чиққан ҳолда тарқатиш критерияларини ишлаб чиқиш.

Шунингдек, йиғилиш Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ассамблеясининг 61-сессияси ўтказилиши олтидан яна бир қарра ушбу масала бўйича ҳукуматлараро анжуман ўтказиш бўйича ҳужжат қабул қилди. Мен ана шундай халқаро анжуманда иштирок этар эканман, йиғилиш давомида кўрилган долзарб мавзудаги масалалар ечимни ниҳоятда муҳим эканлигини ва бу борада қилиниши керак бўлган ишларни ҳамкорликда олиб бориш ниҳоятда зарурлигини мутахассис сифатида гувоҳи бўлдим. Демак, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш ва керакли чора-тадбирларни ўз вақтида қўллаш кўпроқ соҳа мутахассисларидан билим, тажриба ҳамда маҳорат талаб қилишини унутмаслигимиз лозим.

Дунё миқёсида глобал мавзу бўйича ўтказилаётган нуфузли анжуманларда иштирок этиб қайтаётган тиббиёт ходимларимизнинг ўз маъруза ҳамда фикр-мулоҳаза ва таклифлари билан фаол қатнашлари ҳеч биримиз учун сир эмас. Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган ютуқлар, шунингдек, замон талаблари даражасидаги фаолиятларнинг ривожланиб бораётганлиги ҳуусидаги мутахассисларимизнинг фикрлари ҳорийий давлат мутахассисларини бефарқ қолдираётгани йўқ. Бунинг исботи сифатида айтиш мумкинки, чет эллик тиббиёт ходимлари тизимдаги фаолиятларга ўзларининг ижобий фикрларини билдирганликлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Суҳбатдош: Ибодат СОАТОВА.



Саҳифадаги мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондидининг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторингини» лойиҳаси асосида тайёрланди.


Тиббиётдаги изчилликнинг ягона мақсади
халқ саломатлигига эришишдир

ОБЪЯВЛЕНИЕ

**Частному предприя-
тию «Pharmed sanoat»
требуются на конкурс-
ной основе два техно-
лога (мужчин) для ра-
боты на фармацевти-
ческом производстве.
Требования к кандида-
там: высшее образова-
ние, возраст до 25 лет,
знание английского
языка, опыт работы на
компьютере. Возможна
стажировка за рубе-
жом.**

**По всем интересую-
щим вопросам обра-
щаться**

**по телефону
247-35-57.**



Муносабат

турли омилар сабаб бўлмоқда. Ма-
салан: автотранспортнинг салбий
роли тобора ортиб бормоқда, шу-
нингдек, sanoat корхоналари, газ-
симон суюқликларнинг охиригача
ёнмасдан ҳавони бузиши ҳамда
анча йиллардан буён давр муам-
моси бўлган Орол денгизининг
қуриши биргина Ўзбекистон эмас,
балки бутун дунёни ташвишга сол-
моқда. Айниқса, Орол бўйи худуд-

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ДОИРАСИДА

**Халқимиз қадимдан юксак
маънавияти, бой илмий сало-
ҳияти ва бетакрор маданияти
билан дунёда ўз ўрнига эга
бўлиб келган. Бу албатта мил-
латимизнинг бугунги юксак
обру-этибори буюк аждодла-
римиз яратган неъматларда
намоён бўлади.**

Дарҳақиқат, Ўзбекистон жойлаш-
ган худуди ва географиясини ўрга-
надиган бўлсак, унинг бу қадар юк-
салишида табиий ресурслар, иқлим
шароити умуман олганда жаннатма-
кон табиати муҳим роль ўйнайди.
Бирок, айтиш мумкин бўлган бўй-
ича глобал мавзу бўлиб турган эко-
логик муаммолар юртимиз худуди-
да ҳам барча мутахассисларни таш-
вишга солмоқда. Хусусан атмосфе-
ранинг ифлосланиши инсон сало-
матлиги, табиат, ўсимлик ва ҳайвон-
от дунёси учун жиддий муаммо ту-
дирмоқда. Кейинги йилларда атмос-
фера қатламнинг ифлосланишига

ларида истикомат қилувчи аҳолида
ўпка, жигар раки, буйракда тош
пайдо бўлиши, бўқоқ каби касал-
ликлар, шу билан бирга турли эпи-
демияларнинг тарқалиши инсон са-
ломатлигига жиддий хавф солмоқ-
да. Бундай глобал муаммоларни
бартараф этиш йўлида «ЭКОСАН»
халқаро жамғармасининг олиб бо-
раётган қизгин фаолиятини эъти-
роф этиш ўринли. Айниқса, эколо-
гик барқарорликка бағишлаб ўтқа-
зилаётган илмий-амалий семинар,
давра суҳбати, медиафорум ҳамда
беғараз ёрдамларнинг ташкил эти-
лаётганлиги фойдадан ҳоли бўлаёт-
гани йўқ.

Мазкур глобал муаммони ҳал
этишда ҳар биримиз масъулиятни
хис этиб, она табиятимизни асра-
сак, инсонлар саломатлигини асра-
шга ҳисса қўшган бўламиз.

**Дилдора ШОДИЕВА,
Молия институти
1-курс талабаси.**

Ахборот

ДОЛЗАРБ АНЖУМАН

Самарқандда Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирли-
ги, Ногиронларни реабилитация қилиш
ва протезлаш илмий маркази ҳамда
Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, На-
воий вилоятлари тиббий меҳнат экс-
пертиза ва реабилитация хизмати
бўлимлари ҳамкорлигида ушбу вило-
ятларда ТМЭ ва ногиронларни тиб-
бий-ижтимоий ва касбий реабилита-
циянинг долзарб масалалари ва унда
замонавий технологияларнинг ролига
бағишланган илмий-амалий семинар
бўлиб ўтди.

Анжуманда Меҳнат ва аҳолини иж-
тимоий муҳофаза қилиш вазирлиги-
нинг ногиронларни экспертиза ва ре-
абилитация қилиш инспекцияси бош-
лиғи А. Мўминов, Ногиронларни ре-
абилитация қилиш ва протезлаш ил-
мий маркази директори Т. Эшиев
иштирок этиб, ногиронларни қўллаб-
қувватлаш, уларга моддий ва маъна-
вий ёрдам кўрсатиш борасида қили-
наётган хайрли ишлар ҳақида гапир-
дилар. Ўқилган бошқа маърузаларда
ҳам мазкур йўналишда бажарилаётган
ишлар қўлами билан бирга, бу бора-
даги баъзи муаммолар ҳусусида фикр
юртитилди.

ЭЗГУЛИК

Самарқанд вилоятидаги Нуробод ту-
манида жорий йилга бағишланган дас-
тур асосида бир қатор ибратли ишлар
амалга оширилди. Жумладан, Дарай-
тут қишлоғида янги ҚВП ишга туши-
рилди. Ўртабўз, Чўнкаймиш ва Ором
қишлоқларидаги қишлоқ врачлик пункт-
лари капитал таъмирдан чиқарилди.

Шунингдек, аҳоли саломатлигини
мустаҳкамлашда спортнинг ролини
ошириш мақсадида Қорақўла ва Са-
ҳоба ота ҳўжалиқларида спорт май-
донлари ва сузиш ҳавзалари бунёд
этилди. Айни чоғда бу ерда турли
спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Самарқанд шаҳридаги 10-мехри-
бонлик уйи тарбияланувчиларининг
жисмонан баркамол ва руҳан тетик
бўлишлари учун яна бир қўлайлик яра-
тилди. Ҳомийларнинг беғараз кўмаги
билан стол тенниси, шахмат-шашка ва
бошқа спорт жихозлари келтирилди.
Бунда «Шердор» кредит уюшмаси ва
хусусий тадбиркор Д. Ниёзова катта
улуш қўшдилар. Шунингдек, машқ тре-
нажерлари «Ил аёли» фахрий унво-
ни соҳибаси бўлган Дилдора Ниёзова
томонидан ҳада этилди. Мирзо Улуғ-
бек маҳалласи фоллари турли мебел-
лар совға қилишган бўлса, меҳрибон-
лик уйи полларини ленолиум билан
қоплашга «Медиял пластик» корхона-
си жамоаси беғараз ёрдам берди.

**Ҳамза ШУКУРОВ,
Самарқанд вилояти.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқ-
ни сақлаш вазирлиги ҳамда вазирлиқ-
нинг Фан ва ўқув юртлари Бош бош-
қармаси ва Тиббий таълимни ривож-
лантириш Маркази, Фан ва ўқув юрт-
лари Бош бошқармаси ходими ҳамда
Тиббий таълимни ривожлантириш
маркази мутахассиси

Дилором АЗИМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳума-
нинг оила аъзолари ва қариндошла-
рига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш –
Здравоохранение Ўзбекистана» газе-
таси тахририяти Ўзбекистон Респуб-
ликаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги-
нинг Фан ва ўқув юртлари Бош бош-
қармаси ходими ҳамда Тиббий таъ-
лимни ривожлантириш маркази мута-
хассиси

Дилором АЗИМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳума-
нинг яқинларига ҳамдардлик билди-
ради.

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ 2007-2008 ЎҚУВ ЙИЛИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШГА ТАҚСИМЛАШГА КИРИШГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

- Бакалавриятнинг «Фармация» йўналиши битирувчилари Фармация соҳасида олпй маълумотли фармaceutт кадр-
лар талаб қилинадиган лавозимларда хизмат қиладилар.
- «Касб таълими (фармaceutт)» йўналиши битирувчилари тиббиёт коллежларининг фармaceutттика бўлимида мута-
хассислик фанларидан педагогик фаолият олиб боради ҳамда дорихона тармоғида хизмат қиладилар.
- «Биотехнология» йўналиши битирувчилари фармaceutттик ва бошқа турдош ишлаб чиқариш корхоналарида хизмат
қиладилар.
- «Саноат фармaceutтсия» йўналиши битирувчилари фармaceutттика ишлаб чиқариш корхоналарида олпй маълумот
талаб қилинадиган лавозимларда хизмат қиладилар.

Юқорида келтирилган лавозимларга талаби бўлган барча корхона ва
ташкilotлар институт тақсимот ҳайъатига мурожаат қилишлари мумкин.
Манзил: 700015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй, маркетинг хизмати бўлими.
Телефон: 153-08-18, факс: 153-45-04.

2007-2008 ўқув йилида давлат гранти асосида тахсил олаётган битирувчилар ҳақида маълумот

№	Факультет	Йўналишлар	Шу жумладан вилоятлар бўйича												
			Жами	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Қашқадарё	Фарғона	Тошкент вилояти
